



ЖЕРМЕНА ДЕ СТАЛЬ ФРАНЦУЗ РОМАНТИЗМИ АСОСЧИСИ

Қаршибаева Улжан,
СамДЧТИ профессори

Калит сұзлар: романтизм, реставрация, революция, христианлик, трагедия, романтик поэзия, диктатура, монархия.

Француз адабиётида романтизм рухияти пайдо бўлишини Наполеон урушлари тугаб, бурбонлар монархияси қайта қурилаётган даврда яшаган романтиклар Шарль Огюстен Сент-Бёв жамият маънавиятида юз берган революция деб баҳолайди. Сент-Бёв фикрича, эстетик тафаккурдаги бу революциянинг илк бошловчилари Ф.Шатобриан билан Жермена де Стель бўлиб, бу икки буюк адиб тафаккурдаги революцияга икки томондан келдилар. “Жермена де Стель хоним 1796 йилдаёқ (монархия қайтиб келганига қарамай – У.Қ.), инсоният яқин келажакда руҳан хўрлиқдан чиқишига, жамият янгиланишига ишонч билдириди. У ўтмишдаги воқеалардан (француз халқи қирол тарафдорларига ва халқ тарафдорларига бўлиниб, фуқаролик урушида қирилиб кетганидан) қайғусини унутмаган ҳолда (бу қирғинларнинг қаҳрамонларини В.Гюго “93-йил” романида дохиёна ҳаққоният билан кўрсатган – У.Қ.), воқеаларнинг бориши тараққиёт йўлига тушади деб ишонишига ўзида куч-куvvat топа олди” [4; 102-б.].

Ғарб адабиётшунослари қаторида биринчи бўлиб Ш.Сент-Бёв француз романтизми манбаларини теран тушуна билди. “Франция ўз куч-кудратини Европа мамлакатлари билан урушда зафар қозонишларига сарфлар экан, мамлакат ичкарисида адабиёт, санъат соҳасида астасекин революция етила бошлади. Бу революцияга икки буюк адиб – жаноб Шатобриан ва де Стель хоним етакчилик қилдилар” [4; 103-б.]. Сент-Бёв фикрича буларнинг шон-шұхрат топиши ҳам фарқли эди. Ф.Шатобриан сентиментал (хиссиятга бой), нафосатли диний қарашлари билан шұхрат топди. У ўз давридан узок ўтмишда бўлган воқелик,

илк христианларни римликлар қатағон қилгани ҳақида “Жафокашлар” поэмасини ёзди.

Ж. де Стель муҳожирликда Германияда яшаган йиллари немис романтизмининг ёрқин вакиллари И.В.Гёте, Ф.Шиллер, А.В.Шлегел ва бошқалар билан танишиб, сұхбатлашди. Шу учрашувлари таассуротида ёзган (1853) “Германия ҳақида” асари катта шуҳрат қозонди. Бу асар тўрт қисмдан иборат: 1. Адабиёт ва санъат. 2. Германия ва германлар ахлоқи ҳақида. 3. Фалсафа ва ахлоқ. 4. Дин ва интузиазм (ғайрат). Бу асарни французчадан таржима қилиб, изоҳлар ёзган Е.П.Гречана фикрича, Ж.де Стель бу асарида французлар эътиборини, антик адабиёт таъсирига тушмай, ўз миллий заминига (халқ поэтик ижоди ҳазиналарига – У.Қ.) суюниб, ривожланган ҳозирги немис адабиётiga қаратишни, ундан ўрганиш кераклигини мақсад қилган эди. Француз адибаси “Германия ҳақида” китобининг биринчи қисмida, “Классик ва романтик поэзия ҳақида” бобида бундай дейди: “Романтизм (романтик рух) сўзи яқинда Германияда қабул қилинган бўлиб, романтик поэзия манбаларини немислар христианлик ва рицарлик давларида түғилган трубадурлар поэзиясида кўрадилар ... Баъзан, немислар классик сўзини мукаммал сўзининг синоними ўрнида кўллайдилар” [2; 384-б.]. Шу ерда Ж. де Стель бу сўзга муҳим аниқлик киритади: “Классик адабиёт христианликдан аввалги антик давр адабиёти, романтик адабиёт эса христианлик даври, рицарлик даври адабиётидир. Немисча илмий асарларда антик поэзияни ҳайкалтарошликка (скульптурага), романтик поэзияни рангтасвирга (живописьга) ўхшатади” [2; 385-б.].



Ж. де Сталь фикрича, роман миллилатларидан энг маърифатлиси бўлган француз миллиати классик поэзияни, қадимги греклар ва римликларнинг поэзиясини ёқтиради, ёзишда шу намуналарга эргашади. Немис миллилатларидан энг шуҳратлиси – инглизлар ўзларида романтик руҳдаги рицарлик поэзияси дурдоналари борлиги билан фахрланадилар. Мен буларнинг қай бири афзаллигини айтиб ўтирамайман... Қадимгиларнинг эпик достонларида ва трагедияларида тақдир хукмрон, қадимги греклар мустақил фикрлаш ўрнига тақдирга, диний эътиқодга, маъбулларга ишонар эдилар. Ж. де Сталь фикрича янги, романтик поэзияда инсон руҳий оламига эътибор кучлиdir.

Ф. Шатобриан “Христианлик дахоси” асарида бу фикрни янада аниқлаштиради. “Христианлик (таълимоти) моҳиятан инсонларга икки ҳил таъсир кўрсатади. У бир тарафдан рух табиатини ўргатади, айни вақтда инсон табиатининг ҳам қандайлигини билдиради, унда илохий сирлар ҳам, инсон қалби сирлари ҳам кашф этилади. Бу диний эътиқод эҳтиослар, майл-истакларни тасвирлашга қизиқмайдиган кўпхудоликка, мажусийликка нисбатан характерларни тасвирлаш учун қулайдир. Кўпхудолик (политеизм) поэзиянинг аълоси бўлган драматик поэзияга ҳеч бир таъсир кўрсатмади, чунки мифология ахлоқдан ажратилган эди. (Мажусийликда) Худолар ҳам, коҳинлар ҳам инсон қандай пайдо бўлганини, қаёққа боришини, гуноҳлари нимада эканлитини, бу дунё ва нариги дунёдаги ҳаёти қандай кечишини тушунтириб беролмади...” [5; 392-б.]. Бизнингча, бу фикр унчалик тўғри эмас, чунки қадимги грекларда, политеизм даврида драматик поэзиянинг олий намуналари ижод қилинган. Эсхил, Софокл, Эврипид драмаларида ахлоқ ҳам, истак, эҳтиослар, жўшқин туйғулар ҳам, инсон табиатидаги фазилат ва қусурлар ҳам жуда муфассал тасвирланган. Христианлик даврида ижод қилинган Шекспир драмаларида ҳам, Мольер комедияларида ҳам христианлик таъсири

йўқ антик драмалардаги каби эҳтиослар тасвирланган. Ф.Шатобрианнинг христианлик руҳининг адабиёт ва санъатга таъсири ҳақидаги фикрини Жон Мильтон, Гёте, Байрон асарлариiga нисбатан тўғри дейиш мумкин. У Расиннинг “Федра”сини ҳам христианлик таълимотининг шоҳ асари деб билади.

Ф.Шатобрианнинг христианлик таъсири ҳақидаги яна бир фикрига, антик даврда итоат - пасткашлик, мағрурлик - фазилат деб ҳисобланиши, христианликда итоат – фазилат, мағрурлик – иллат, тубанлик деб ҳисобланади, деган фикрига кўшилиш мумкин. У “Рене” қиссасида мағрурлик, худбинлик фожиасини кўрсатган.

Заковатли адабий танқидчи ва адаб Сент-Бёв юқорида эсланган мақоласида Ф.Шатобрианнинг узок ўтмишдан ёзган “Жафокашлар” асарида ғоя учун фидойи инсонлар тасвирланганлигини макттар экан, бу асарда замона маънавий ҳаётига алоқадор ғоялар йўқлигини, асар замонавий ғоялардан узоклигини айтади. Бизнингча, бу фикр унчалик тўғри эмас. Аслида Ф.Шатобриан замонавий жамият ҳаётида олий идеаллар, юксак инсонпарвар ғоялар одамларнинг қалбидан узоклашиб кетганидан қайғусини изҳор қиласди.

Россия адабиётшуносларидан Е.П.Гречана ҳакли равища Анна-Луиза Жермена де Стални француз романтизми асосчиси деб атайди. У Ж.де Сталнинг Руссо ғояларига, озодлик, адолат ва халқпарварлик идеалларига садоқатида сира орқага қайтмаганлигини, Францияда республикачилар монархия қайта қурилаётган даврда кувғин қилинган йилларда Германия, Австрия, Россия ва Швецияда яшаган даврида француз романтизми адабиётининг назарий-эстетик асосларини, тамойилларини кенг ва чуқур талқин қилганини айтади [3; 601-602-б.]. Жермена де Сталь “Инсон эҳтиосларининг барча инсонлар, халқлар баҳтсаодатига таъсири ҳақида” асарида бошқа тушунчалар каби, баҳтсаодатга ҳам бир инсон ва бутун инсоният интилаверади, аммо бу йўлда тўсиқлар инсоннинг ўзида деб ёзади. Мен (Жермена де Сталь) бу



биринчи китобимдаги фикрларимда ўз қалбим (оламини) ва барча замонларда яшаган одамларнинг феъл-атворларини – характерларини тасвирлашда кузатишларимга асосланаман [3; 363-б.]. Турли замонларда мавжуд бўлган (адолатли) давлат тузумининг мақсади – халқни баҳтли қилиш, бунинг воситаси – унга эркинлик бериш, ахлоқ соҳасида эса инсоннинг мустақил маънавий камолоти бўлиши керак, шунда инсон баҳт-саодатга эришади. Тўлиқ (барча соҳаларда) баҳтли бўламан, деган одам энг баҳтсиз одамдир, озодликнинг олий даражасига, мавҳум (абстракт) юқори чегарасига етаман, деган халқ ҳам энг тубан халқдир (чунки бир баҳтли халқ бошқа, баҳтсиз халқлар учун ҳам қайғуриши зарур – У.Қ.). Шундай қилиб, қонун ўрнатувчилар мавжуд вазиятга, шароитга қараб, халқни бошқаришга, айrim шахслар эса бошқарувчиларга қарамлиқдан кутулиб, мустақил яшашга интиладилар. Ҳукуматлар барча фуқароларнинг баҳт-саодатини ўйлаши керак, ахлоқ устозлари (мералист) одамларга баҳт-саодатсиз ҳам яшаш мумкинлигини англатишлири керак. Омма учун умумий тартиб бўлгани яхши. Айrim шахслар эса бунга сабр-қаноат қилмайдилар... Барча халқни баҳтли қилишдан кўра айrim инсонларни баҳтли қилиш шу инсонларнинг ўзига, шахсий феъл-атворига, майл-истакларига боғлиқ. Инсон шахсий маънавий ҳаётида мустақил, озоддир. У ё баҳтига етишади, ё тўсиқлар кучли бўлса, ўзини баҳтсиз демай, соғлом ақл билан, ўз руҳий камолотида давом этади [3; 363- б.]. Руҳий камолот инсоннинг ўз қўлидадир. Ж.де Сталлининг бундай оптимистик хulosаси Гётенинг “Вертер”, Ф.Шатобрианнинг “Рене” асарлари қаҳрамонларининг ё баҳтга етишув, ё ўлим, деган тамойилига қарши, инсонпарварлик, ҳаётпарварлик руҳидадир. Бундай олижаноб ҳulosса – кучли майл-истакларни бир инсон учун эмас, миллат, жамият, ватан, халқ учун курашга йўналтирган буюк қаҳрамонлар фожиага учраса ҳам, жабр-зулм қилувчиларга, тиранларга, деспотларга бўйин эгишдан ўлимни афзал деб

биладилар. Бу билан Ж. де Стель буюк француз революциясини, унинг қаҳрамонларини юксак қадрлашини кўрсатди.

Бу асарида Ж. де Стель “ҳар бир инсон ёшлиқ йилларида яхши ишлари билан (оилада), дўстлари орасида, жамиятда иззат-хурмат қозонишни истайди, дейди. Лекин жамиятда хукм сурган совуққонлик, кибру ҳаво, расмиятчилик одамларни ўта ақлли қилиб, оташин ҳис-туйғудан, идеаллардан, орзуладан узоклаштиради. Совуққон, ақлли, бадавлат одамлар гладиаторларни қиздириб, бир-бирини ўлдиришини хоҳлайдилар. Жамиятда ўз мавқеини тополмай қолган 25 ёшли йигитдан дўстлари ҳам (севгилиси ҳам) юз ўтиради. Энди унинг баҳтига, келажагига ишонмай кўядилар. Менинг бу асарим худди шундай ёшдаги, қийин ахволга тушган, хаётдан кўнгли совуган одамлар учун фойдалидир. Жамиятда ёлғизланиб, орзулади ушалмай қолган (ўттиз беш ёшли) одамлар ўз истеъоди, қобилияти, куч-ғайрати билан, ўзини маънавий камолот сари ўстиради ва бунда асосан ўз фазилатларига таянади, ҳеч кимга муте, қарам бўлишни истамайди. У ўз фазилатлари билан руҳан куч-қудратли бўлгани сабабли ўзи ҳақида атрофдагилар тарқатган ғийбатлар, бўхтонлар, хурматсизликларни енгид ғолиб чиқади” [2; 364-б.]. Наполеон диктатураси даврида ҳам, бурбонлар реставрацияси, Луи-Филипп даврида ҳам золимларга бош эгмай, хўрликни афзал кўрган Жермена де Стель ўзи ҳам, уни руҳлантирган Ж.Ж.Руссо ҳам узок йиллар муҳожирликда яшаб, монархияга қарши, халқ озодлиги учун курашган В.Гюго ҳам шундай романтик ёрқин шахслар эди.

Ж. де Стель “Ижтимоий, яъни жамият тарғиботига алоқадор адабиёт ҳақида” асарида маълум маънода, христианлик ғояларининг бадиий адабиётга ижобий таъсири ҳақида Ф.Шатобрианнинг “Христианлик даҳоси” асаридаги ғояларига ҳамоҳанг фикрларини айтади. Ж.де Стель фикрича, жануб ўлкаларидан келган христианлик ғоялари



шимол халқининг (Германия, Швейцария, Англия, Шимолий Франция халқларининг) мажусийлик даврида ҳам бўлган сирли, ғайритабиий, руҳий кучларга ишонч-эътиқодларини мукаддаслашириди, шу сабабли шимол халқлари христианликни Рим хукмронлиги даврига хос азоб-уқубат ва фожиаларсиз қабул қилдилар. Мажусийлик даврида бу халқлар шон-шуҳратни урушларда, қонли қирғинларда жасорат кўрсатиб топар эдилар. Христианлик таълимоти эса халқларни дин йўлида машаққатлардан, ўлимдан қўрқмасликка, қаҳрамонликларга чақиради.

Жануб халқлари табиатан эҳтиросли бўлгани учун дин йўлида жафо чекиб, жабр-зулмга тўла жамиятдан тоғларга, даштларга қочиб, дарвешона яшашни хуш кўрдилар [2; 375-б.]. Жануб халқларида сирли ҳодисаларга тез ишониш, фанатизм, хурофот кучли бўлгани сабабли кўп ақлсиз ишларга (инквизиция, жодугар деб гулханда ёкиш, айғоқчилик ва чакимчилик) берилдилар. (Рим папаларининг бундай жаҳолатини Европа қироллари илм-фан уламолари ёрдамида анча чеклаб қўйди. – У.К.). Ж. де Стель фикрича, христианлик Шимол халқларига кўпроқ фойда етказди. Чунки хулқи бузук жануб халқларидан кўра, саводсиз шимолликларни маърифатли қилиш осонроқ эди [2; 375-б.].

Ж. де Стель фикрича, Шимол халқлари табиатнинг қудратли кучларини кўриб тургандари учун улар билан боғлиқ тасаввурларни, сирли ҳодисаларни афсоналарида, шеъриятида хомушлик, қайғу, меланхолия каби руҳий ҳолатларни акс эттиридилар. Бу ерда адiba романтизм сўзини ишлатмаган бўлса-да, гап шу хақда бораётгани сезилади [2; 377-б.].

Ж. де Стель бошқа романтиклар каби классицизмни ижодни чекловчи, фақат антик адабиётга хос мавзуларни куйлаб, тақлид қилувчи деган танқидларга қўшилмади. У XVII асрда Француз академияси зиёлилари ўртасида чорак аср давом этган “қадимгилар” ва “янгилар” баҳсидан ҳам, Н.Буало ва Ш.Перро тарафдорлари баҳсидан ҳам хабардор

бўлган. Бу баҳсада эртакчи шоир Шарль Перро “Қирол-қуёш” Людовик XIV даврида бадиий ижодга ҳам классицист улуғвор асарлар ёзилар, бу асарлар антик адабиёт дурдоналарини, Гомер, Вергилий поэмаларини, Софокл ва Эврипид каби даҳоларнинг драмаларини орқада қолдиради деб, “буюқ аср”га мадхия ёзган, Н.Буало, Лафонтон ва бошқалар бунга қўшилмаган эдилар. Классицизм даври адабиёти билимдони В.Я.Бахмутскийadolатли ёзганидек, Людовик XIV абсолютизми, мутлақ хукмронлиги даврида Франция кўп соҳаларда инқирозга учраган, олий табақа, зодагонларнинг дабдабали ҳаёт кечириши, солиқларнинг оғирлиги халқни қийнаган, диний толерантлик, муроса йўқлигидан авлиё Варфоломей кечаси католиклар Рим папалигини танқид қилувчи кўп минглаб протестант-гугенотлар қириб ташланган, давлат жар ёқасига келиб қолган [1; 7-б.]. Мольер, Корнель, Расин каби шоирлар антик мавзуда ёзсалар-да, мутлақ хукмдорларнинг тиранлигига қарши эркесвар, буюқ қаҳрамонларни кўрсатган эдилар. “Янги”лар жаҳон адабиёти тарихини икки даврга: мажусийлик (кўп худолик) даври адабиёти ва христианлик даври адабиёти деб ажратган эдилар.

Ж. де Стель ва Ф. Шатобриан бирбирига зид мавқеларда турсалар ҳам, христианлик даври инсоният маънавий ҳаётини поклаши масаласида ҳамфир эдилар. Бу икки ижодкор классицистларни романтиклар томонидан туриб, танқид қилдилар. “Шоирнинг оташин тасаввурларида турли фантазиялар туғилади, лекин биз унинг ҳис-туйғулари ҳақиқий эканлигига ишонч ҳосил қилишимиз керак”, - дейди Ж. де Стель. “Антик мифологияни ҳозирги янги шоирлар тўқиган эмас, уларнинг туйғуларини ҳис этмайдилар ҳам... Шу сабабли антик мифология мавзуларида ёзаётган шоирлар тақлидларга тақлид қилган бўладилар... Яхшиси шоирлар ҳозирги вақтда нималарни ҳис этаётган бўлсалар, шуларни ёзсинлар... Ҳақиқий поэзиянинг максади – янги топилган (ҳис этилган) ва айни вақтда ҳақиқий тасвиirlар



ёрдамида одамларда ўзлари ҳис этган, аммо ҳали англаб етмаган ҳис-түйғулар ва фикрларга қизиқиш уйғотишидир” [2; 382-б.]. Бу фикрлар бизга романтизм адабиётида реализм талабларига ҳам риоя қилиниши тамойили борлигини билдиради. Романтизмдаги рухий олам тасвирида аччиқ ҳақиқатлар, реалистик тасвиirlарнинг аҳамияти ҳақида В.Гюго ижоди мисолида кенгрок фикр юритилади.

Ж.де Сталь машхур немис файласуфи И.Кантнинг нафосат, санъатдан лаззат-ланиш ҳақидаги қизиқарли ғоясини бундай изоҳлайди: “Файласуф фикрича, нотиқлик,

фасоҳат, инжа санъатлар, тафаккур дурдоналари берадиган лаззат-фароғат инсон юрагини кисувчи ҳаёт ҳошияларини кенгайтиради, барча улуғвор, ажойиб ҳодисалар инсон руҳини заминдан юксакларга парвоз қилдиради, бизга самовий даҳолик, яхшилик, эзгулик йўлларини кўрсатади” [2; 382-б.]. Ж.де Сталь олмон файласуфининг бу фикридан яна бир муҳим ҳулоса чиқаради: ҳақиқий шоир фаровон яшаб турганида ҳам инсоният тақдири ҳақида чин юракдан қайғурадиган мутафаккир ҳам бўлиши керак.

Адабиётлар:

1. Бахмутский В.Я. На рубеже двух веков. // Спор о древних и новых. -М.:Искусство. 1984, -с.7.
2. Жермена де Сталь. О Германии. О влиянии страстей на счастье людей и народов. // Литературные манифесты западноевропейских романтиков. -М.: 1980, -с.384.
3. Литературные манифесты западноевропейских романтиков. -М.: Изд. МГУ, 1980, -с.400.
4. Сент-Бёв Ш. Литературные портреты. Критические очерки. -М.: 1970, -с.102.
5. Шатобриан Ф. Из “Гения христианства”. // Лит-е манифесты. Изд. МГУ. -М.: 1980, -с.392.

Karchibaeva U. Germain de Stael is the founder of French romanticism. The work of the French writer Germain de Stael, who contributed greatly to the emergence of French romanticism is considered in the article.

Каршибаева У. Жермена де Сталь основатель французского романтизма. В статье рассматривается творчество французской писательницы Ж. де Сталь, которая внесла большой вклад в появление французского романтизма.
